

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

14-сон
(50)
2002 й.
июль

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами тўрт бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонуналари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;
иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;
учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;
тўпламнинг тўртинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Учинчи бўлим

109. «Республикага истеъмол товарлари ноқонуний олиб келиниши ва сотилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 июлдаги 257-сон қарори
110. «Япония фуқаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 22 июлдаги 259-сон қарори
111. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ва айримларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 июлдаги 267-сон қарори
112. «Муруват ёрдамидан ва бегараз техник кўмакдан фойдаланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 июлдаги 268-сон қарори
113. «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни яна-да такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 29 июлдаги 269-сон қарори

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

109 Республикага истеъмол товарлари ноқонуний олиб келиниши ва сотилишининг олдини олиш чора-тад- бирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» 2002 йил 11 июлдаги ПФ-3105-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қила-ди:**

1. Белгилансинки, ноозик-овқат истеъмол товарлари юридик шахслар томонидан импорт килинганда йифим ТИФ ТН кодидан ва товарнинг келиб чиқиш мамлакатидан қатъи назар товар божхона қийматининг 30 фоизи микдорида эркин алмаштириладиган валютада ундирилади.

Кўрсатиб ўтилган йифим микдори товарларни олиб келишда қўшилган қиймат солиғини хисоблаб чиқиша солик солинадиган базага киритилмайди.

2. 2002 йил 1 августдан бошлаб товар-хом ашё биржаларида республикага истеъмол товарлари олиб келинишини назарда тутувчи битишувларни амалга ошириш тақиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси кўрсатиб ўтилган операциялар божхонада расмийлаштирилишини тақиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига бундай ҳоллар аниқланган тақдирда кўрсатиб ўтилган товарларни белгиланган тартибда мусодара қилишга руҳсат берилсан.

3. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Ташки иқтисодий алоқалар вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистоннинг божхона чегараси орқали олиб келинадиган истеъмол товарлари рўйхатини ишлаб чиқсилар ва тасдиқласинлар, бунда технология эҳтиёжлари учун товарлар ва ярим тайёр маҳсулотлар истисно қилинсин.

4. «Отчопар буюм бозори», «Карвон бозор», «Чорсу» бозори каби буюм бозорларида жисмоний шахслар томонидан сотиладиган барча импорт истеъмол товарларига республиканинг божхона чегараси орқали ўтишда улар рўйхатдан ўтказилганигини тасдиқловчи хужжатлар — гувоҳнома тақдим этилиши тартиби белгилансан.

Юкорида кўрсатиб ўтилган хужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда импорт истеъмол товарлари белгиланган тартибда олиб қўйилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солик қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига хорижий тажрибадан келиб чиқсан холда импорт истеъмол товарларини божхона чегараси орқали олиб ўтишнинг амалдаги механизмини тақомиллаштириш юзасидан таклифлар киритсан.

Шу билан биргаликда истеъмол товарларини олиб ўтиш ва божхонада расмийлаштиришнинг белгиланган нормалари ва тартиби бузилишига йўл қўяётган юридик ва жисмоний шахсларнинг масъулияти даражаси оширилсан.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатлари ва норматив-хуқуқий ҳужжатларга мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 19 июль,
257-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

110 Япония фуқаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасидаги сиёсий, савдо-иктисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни янада фаоллаштириш, амалий ва туристик мақсадлар билан Ўзбекистон Республикасига келувчи Япония фуқароларига визаларни расмийлаштириш тартиботларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласиди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги:

амалий мақсадлар билан Ўзбекистонга келувчи Япония фуқароларига Ўзбекистон Республикасининг чет эл муассасаларида бир йилгача муддат билан кўп марталик визаларни, Ўзбекистон Республикаси тақлиф этувчи юридик шахснинг Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигига мурожаатномасини талаб этишни бекор қилган холда, 2 иш куни (хужжатлар қабул қилиб олинган кундан ташқари) мобайнида расмийлаштиrsин;

туристлар сифатида Ўзбекистонга келувчи Япония фуқароларига бир ойгача муддат билан кўп марталик визаларни, «Ўзбек туризм» миллий компанияси ёки бошқа туристик ташкилотларнинг туристик ваучерларни тақдим этиш зарурлиги тўғрисидаги талабларини бекор қилган холда, 2 иш куни (хужжатлар қабул қилинган кундан ташқари) мобайнида расмийлаштиrsин.

2. Ўзбекистон Республикасининг манфаатдор вазирликлари ва идоралари ўзларининг идоравий хужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштиrsинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 22 июль,
259-сон

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

111 Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш ва айримларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси **қарор килади:**

Қўйидагилар ўз кучини йўқотган деб хисоблансанн:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан солиқлар ва йиғимларни ундиришини тартибга солиш тўғрисида» 1997 йил 23 октябрдаги 483-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 10-сон, 35-модда) 2-банди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Импортни тарифлар билан бошқариш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 24 февралдаги 80-сон қарори 1-бандининг охирги хат боши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан товарлар импортини тарифлар билан бошқаришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 29 июнядаги 284-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 6-сон, 35-модда);

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмол товарлари билан савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 31 октябрдаги 433-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 10-сон, 61-модда) 3-бандининг учинчи ва тўртинчи хат бошлари ҳамда 4-бандининг иккинчи хат боши.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Импорт бож пошлиналарини унификация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 31 майдаги 189-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 5-сон, 28-модда)нинг 2-банди қўйидаги мазмундаги хат боши билан тўлдирилсин:

«Импорт бож пошлиналари ставкалари жисмоний шахслар томонидан тижорат фаолияти учун олиб келинаётган товарларга нисбатан қўлланилмайди».

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 26 июль,
267-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

112 Мурувват ёрдамидан ва беғараз техник кўмакдан мақсадли фойдаланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасига халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар, шу-

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.

нингдек хорижий ҳукумат ташкилотлари ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар томонидан кўрсатилаётган муруват ёрдамидан ва бефараз техник кўмакдан қатъий мақсадли фойдаланишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қўйидагилар:

Муруват ёрдами юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш тартиби ҳамда муруват лойиҳалари мониторинги тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

Техник кўмаклашиш маблағлари мониторинги ва улардан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Қўйидагилар:

муруват лойиҳаларининг амалга оширилиши, шунингдек Ўзбекистон Республикасида муруват ёрдами юкларини тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш билан боғлиқ масалаларнинг мувофиқлаштирилиши учун масъулият — Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплексига;

техник кўмаклашиш маблағларидан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш билан боғлиқ масалаларнинг мувофиқлаштирилиши учун масъулият — Вазирлар Маҳкамасининг Ташки иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментига юклансин.

3. Ўзбекистон Республикасига муруват ёрдами ва бефараз техник кўмаклашиш доирасида тушган товарлардан тижорат мақсадларида фойдаланиш қатъий тақиқлансан.

Кўрсатиб ўтилган товарлар сотилган, ижарага берилган ёки улардан бошқа мақсадларда фойдаланилган тақдирда айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий жавобгарликка тортиладилар.

4. Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига муруват ёрдами бўйича доимий ишловчи ишчи гурӯхнинг янгилangan таркибини тасдиқлаш учун киритсин, унга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солик қўмитасининг мутахассисларини киритсин.

5. Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлеклари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар тасдиқланган Муруват ёрдами юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш тартиби ҳамда муруват лойиҳалари мониторинги тўғрисидаги Низомни ҳисобга олган холда муруват ёрдами бўйича тегишли равишда худудий ва тармок комиссиялари ташкил этсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги:

икки ҳафта муддатда «Муруват ёрдами олиниши ва ундан мақсадли фойдаланиши тўғрисидаги ҳисбот» ва «Техник кўмаклашиш маблағлари олиниши, тақсимланиши ва улардан мақсадли фойдаланиши тўғрисидаги ҳисбот»нинг давлат статистика ҳисботи шаклларини ишлаб чиқсан ва тасдиқласин:

Статистика давлат департаменти тузилмасида, ходимларнинг штатдаги белгиланган сони доирасида, маҳсус гурӯх ташкил этсин, унга муруват ёрдами ва бефараз техник кўмак олиниши ва улардан мақсадли фойдаланиши бўйича материалларни умумлаштиришни юкласин;

хар чоракда муруват ёрдами ва техник кўмаклашиш маблағлари олиниши ва улардан мақсадли фойдаланиши тўғрисидаги умумлаштирилган ахборотни Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига тақдим этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги мурувват ёрдами юклари ни кузатиб борувчи ва беғараз кўмаклашиш лойиҳаларини амалга оширишда қатна шувчи шахсларга келиш визалари консуллик йиғимлари ундирилмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

мурувват ёрдами юклари Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб транспортда ташилиши чоғида уларнинг сақланишини таъминласин;

беғараз кўмаклашиш дастурлари доирасида ишловчи хорижий фуқароларга давлат божлари ундирилмасдан кўп марталик визалар берсин ва уларнинг муддатини узайтирсин, вақтинча рўйхатдан ўтказсин ва рўйхатдан ўтказиш муддатини узайтирсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг З-иловага мувофиқ қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 26 июль,
268-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2002 йил 26 июлдаги 268-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Мурувват ёрдами юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш,
аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан мақсадли
фойдаланилишини назорат қилиш тартиби ҳамда мурувват
лойиҳалари мониторинги тўғрисида
НИЗОМ**

I. Асосий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасида мурувват ёрдами юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартибини, шунингдек мурувват лойиҳалари мониторинги масалаларини белгилайди ва тартибга солади.

2. Мурувват ёрдами — бу аҳолининг ижтимоий ночор гуруҳларига тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий соҳа муассасаларини кўллаб-кувватлаш, табиий оғатлар ҳамда бошқа фавқулодда ҳодисалар оқибатларини тутгатиш учун бериладиган мақсадли беғараз кўмакнинг бир туридир.

Мурувват ёрдами тиббиёт товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳалқ истеъмол товарлари ва бошқа товарлар, шу жумладан асбоб-ускуналар, транспорт ва техника, шунингдек грантлар, ихтиёрий эҳсонлар, бажарилган ишлар ва хизматлар, шу жумладан мурувват ёрдами юкларини транспортда ташиш, кузатиб бориш ва сақлаш шаклида кўрсатилади.

Мурувват ёрдами сифатида олинган товарлар божхонада расмийлаштириш тартиботлари амалга оширилгандан кейин олувчилар томонидан «Мурувват ёрдами» ёзувини қайд этган, олувчининг реквизитларини кўрсатган ҳолда тамғаланади.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.

Муруват ёрдами хорижий давлатлар, уларнинг федерал ёки муниципал тузилмалари, халқаро ва хорижий ташкилотлар, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар (кейинги ўринларда донор ташкилотлар деб аталади) томонидан кўрсатилиши мумкин.

Бюджет, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фаолияти фойда олишга йўналтирилмаган бошқа юридик шахслар (кейинги ўринларда олувчилар деб аталади) кеинчалик республика истеъмолчилиари ўртасида тақсимлаш мақсадида муруват ёрдами мининг олувчилари бўлиши мумкин.

Муруват ёрдами юкларини олувчилар дастурлар ва донорлар билан тузилган битимлар ёки муруват ёрдами билан боғлиқ тадбирларни мувофиқлаштириш учун масъул бўлган Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплексининг қарорлари асосида аниқланади.

Тамаки маҳсулотлари, вино-ароқ ва бошқа алкоголь маҳсулотлар, харбий мақсаддаги товарлар, шунингдек олиб келиниши тақиқланган товарлар муруват ёрдами юклари жумласига киритилиши мумкин эмас.

Муруват ёрдами юкларининг пул ифодасидаги қийматидан асосан божхонада расмийлаштириш мақсадлари учун фойдаланилади.

3. Ўзбекистонга муруват ёрдами кўрсатувчи халқаро ва хорижий нохукумат ташкилотлари ваколатхоналари Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигига аккредитация қилинади. Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплексининг хulosаси халқаро нохукумат ташкилотини аккредитация қилишга тақдим этиш ва унинг аккредитация муддатини узайтириш учун асос ҳисобланади.

4. Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплексининг муруват ёрдами масалалари бўйича қарорлари вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва маҳаллий ҳокимият органларининг бажариши учун мажбурий ҳисобланади ва протоколлар шаклида қабул қилинади.

Шахсий таркиби Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан тасдиқланадиган доимий ишлайдиган ишчи гурух (кейинги ўринларда ишчи гурух деб аталади) Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплексининг муруват ёрдамини мувофиқлаштириш масалалари бўйича ижро этувчи органи ҳисобланади.

5. Муруват ёрдами юкларини қабул қилиш, божхонада расмийлаштириш, транспортда ташиш, тўплаш, сақлаш, хатловдан ўтказиш, юкларнинг хавфсизлиги бўйича қўриқлаш ва бошқа карантин тадбирларини ўтказиш, муруват ёрдамини аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан самарали, мақсадли фойдаланиш учун масъулият:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хузурида тузиладиган муруват ёрдами бўйича худудий комиссияларга (кейинги ўринларда худудий комиссиялар деб аталади);

ижтимоий соҳа вазирликлари ва идоралари, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлари хузурида тузиладиган муруват ёрдами бўйича тармоқ комиссияларига (кейинги ўринларда тармоқ комиссиялари деб аталади) юкланди.

6. Муруват ёрдамидан белгиланмаган мақсадда фойдаланишда айбор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

II. Муруват ёрдами юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш тартиби

7. Муруват ёрдами юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, аниқ йўналтирил-

ган тарзда тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

8. Мурувват ёрдами сифатида Ўзбекистон Республикасига келтириладиган юкларни божхонада расмийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплексининг кўрсатилган юкларнинг мурувват ёрдамига мансублиги тўғрисидаги хulosаси асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасига келтирилган мурувват ёрдами юклари тўғрисидаги маълумотлар белгиланган тартибда хар чоракда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплексига ҳамда Макроиктисодиёт ва статистика вазирлигининг Статистика давлат департаментига тақдим этилади.

9. Юкларнинг мурувват ёрдамига мансублигини тасдиқлаш учун мурувват ёрдамини олувчи Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплексига қўйидаги хужжатларни тақдим этади:

дастур ёхуд донор ташкилот билан мурувват ёрдами бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим;

юкни жўнатувчининг юк мурувват ёрдамига мансублиги тўғрисидаги инвойси (счёт-фактура);

юкни олувчининг юкнинг фойдаланиш мақсади тўғрисидаги хати;

йўл-транспорт юк хатлари;

зарурият бўлганда, карантин ва бошқа инспекция хизматларининг юкнинг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ республикага келтирилишига рухсат этилган юклар рўйхатига мувофиқлиги тўғрисидаги хulosаси.

10. Юкларнинг мурувват ёрдамига мансублиги тўғрисидаги хulosалар Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплексининг протоколи тарзида расмийлаштирилади ва унинг раҳбари томонидан тасдиқланади.

Мурувват ёрдами юкларни божхонада тезкорлик билан расмийлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплексининг масъул ходимларидан тайинланган мувофиқлаштирувчи томонидан уларнинг мурувват ёрдамига мансублиги тўғрисидаги дастлабки хulosаси берилишига йўл қўйилади, кейинчалик мазкур хulosса Ижтимоий комплексининг протоколи билан тасдиқланади.

11. Аэропортларда, темир йўл ва автотранспорт станцияларининг омборларидағи мурувват ёрдами юкларидан сақлаш, хабардор қилиш, божхона тартиботлари, декларациялаш, бекор туриб колиш, тушириш-юклаш ишлари ва бошқа хизматлар учун божлар, йигимлар ва бошқа хил тўловлар олинмайди.

12. Мурувват ёрдами юклари сифатини ва уларнинг хавфсизлигини назорат қилиш белгиланган тартибда, тўлов ундириласдан давлат назоратининг ваколатли органлари томонидан амалга оширилади.

13. Мурувват ёрдами юкларининг уларни ташиш вақтидаги сақланиши тегишли транспорт ташкилотлари ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл харакати хавфсизлиги хизмати бўлинмалари томонидан, тўлов ундириласдан таъминланади.

14. Мурувват ёрдами юкларини олувчилар мурувват юкларининг хисобга олинишини, сақланишини, улардан мақсадли фойдаланишини ва уларни аниқ йўналтирилган тарзда тақсимланишини таъминлашга мажбурдирлар.

Мурувват ёрдами сифатида келтирилган товарларни хисобга олиш ва сақлаш тижорат товарларидан алоҳида амалга оширилади.

15. Ҳудудий ва тармоқ комиссиялари протокол билан тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплексига мурувват ёрдами юкларини аниқ йўнал-

тирилган тарзда тақсимлаш бўйича таклифлар тақдим этадилар, улар ҳар йили бериладиган буюртманомаларга мувофиқ бўлиши (ушбу Низомга 2 ва 3-илюваларга мувофиқ шакл бўйича), донор ташкилотлар ва республика жамоат бирлашмалари таклифларига, халқ депутатлари ва жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органлари сўровлари га асосланиши керак.

16. Мурувват ёрдами юкларининг мақсадли фойдаланилиши ва уларни аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш устидан назорат худудий ва тармоқ комиссиялари томонидан амалга оширилади. Мурувват ёрдами юкларини олувчи бюджет ташкилотлари бўйича назорат шунингдек юкори ташкилотлар томонидан хам амалга оширилади.

17. Ҳузурида худудий ва тармоқ комиссиялари ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг Статистика давлат департаментига мурувват ёрдами юклари олингани ва улардан мақсадли фойдаланилгани тўғрисида ҳар чоракда Давлат статистика ҳисоботи шакли бўйича ҳисоботлар тақдим этадилар.

Статистика давлат департаменти Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси ишчи гурухи билан биргаликда худудий ва тармоқ комиссиялари томонидан тақдим этилган маълумотларни ҳар чоракдаги йиғма статистик ҳисобот тарзида умумлаштиришни таъминлайди.

18. Мурувват ёрдами юкларининг мақсадли фойдаланилиши ва аниқ йўналтирилган тарзда тақсимланишини текширишлар белгиланган тартибда, ишчи гурухи томонидан Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплекси тасдиқлаган жадвал бўйича, зарурят бўлганда, мустақил эксперталар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солик қўмитаси вакилларини жалб этган холда ўтказилади.

19. Мурувват ёрдами юкларининг олувчилари ёки истеъмолчилари ҳисобланадиган бюджет ташкилотларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишларни ўтказиш вақтида давлат молия органлари томонидан уларни текшириш режаларига мурувват ёрдами юкларининг мақсадли фойдаланилиши ва уларни аниқ йўналтирилган тарзда тақсимланишини назорат қилиш хам киритилади.

20. Ўтказилган текширишлар якунлари бўйича далолатнома тузилади, унда мурувват ёрдами юкларини божхонада расмийлаштириш, қабул қилиш, ҳисобга олиш ва аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш талабларига мувофиқлик, шу жумладан:

мурувват ёрдами юкларини сақлаш ва тақсимлаш шароитлари;

мурувват ёрдами сифатида келтирилган товарларда тамғанинг мавжудлиги;

олинган мурувват ёрдами юклари бўйича ҳисобга олиш ҳужжатларининг (ҳисобга олиш дафтарлари, китоблари, ведомостлар ва шу кабилар) мавжудлиги ва тўлиқлиги;

мурувват ёрдами юклари истеъмолчиларининг юкларнинг олинганиллиги тўғрисида белги қўйилган ҳолдаги номлари қўрсатилган рўйхатларини тузиш;

мурувват ёрдами сифатида олингандан фойдаланилмаган товарлар микдорининг ҳисоби, сабаблари, фойдаланишга яроқлилик муддати ўтиб кетган товарлар (маҳсулотлар)ни қўрсатган ҳолда;

фуқароларнинг хатлари ва шикоятлари бўйича ишларнинг амалга оширилганлиги акс эттирилади.

III. Мурувват лойиҳаларининг амалга оширилиши мониторингини юритиш тартиби

21. Мурувват лойиҳалари амалга оширилиши мониторинги ушбу Низомга 4-илювага мувофиқ схема бўйича юритилади.

22. Донор ташкилотлар томонидан мурувват ёрдами доирасида берилган маблағ-

лар, товарлар ва хизматлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муруват лойиҳаларини амалга ошириш мониторингининг мақсади хисобланади.

23. Муруват ёрдами бўйича худудий ва тармоқ комиссиялари муруват лойиҳаларини амалга ошириш бўйича таклифлар тўғрисидаги маълумотларни йигади, ишлайди ва умумлаштиради ҳамда ушбу маълумотларни мунтазам равишда Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплексига тақдим этади.

Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплексининг ишчи гурӯҳи тақдим этилган ахборотни таҳлил қиласди, ҳар йили йигма ҳисбот тузади ва Ижтимоий комплекс учун устувор лойиҳалар рўйхатини шакллантириш бўйича таклифлар тайёрлайди.

24. Муруват лойиҳаларининг устувор рўйхатини донор ташкилотларга юбориш ишчи гурӯҳ томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда республикада аккредитация қилинган донор ташкилотлар ваколатхоналари орқали амалга оширилади.

Донор ташкилотлар томонидан муруват лойиҳасини амалга оширишдан манбаатдорлик тасдиқланган тақдирда тегишли ижрочи худудий ва тармоқ комиссиялари орқали дастурни тайёрлаш ва амалга оширишнинг асосланган режа-жадвалини протокол билан тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплексига жўнатади.

25. Муруват лойиҳалари мониторингининг мунтазам равишда ўтказилиши юзасидан масъулият худудий ва тармоқ комиссияларига юкланди.

26. Муруват лойиҳаларини амалга ошириш мониторингини амалга ошириш қуидаги хужжатларни тайёрлаш ва йиғиш, шунингдек тасдиқлашни назарда тутади:

а) режа-жадвал (ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича);

б) ишларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисбот (ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ шакл бўйича);

в) ишларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисботга тушунтириш хати (ихтиёрий шаклда), унда қуидаги маълумотлар бўлади:

ложиҳа тўғрисида умумий маълумотлар (тармоқ сектори, лойиҳанинг номи, унинг жойлашган жойи ва кутилаётган натижалари, муруват лойиҳасининг ижроилари, амалга ошириш даври, смета қиймати, молиялаштириш манбалари);

молиялаштиришнинг бориши ва ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиши, муруват лойиҳасини амалга оширишда пайдо бўлган муаммолар тўғрисида ахборот;

импорт килинаётган товарлар ва хизматлар тўғрисида маълумотлар;

қўйилган мақсадларга эришилганлиги ва прогноз кўрсаткичларнинг бажарилиши тўғрисида маълумотлар.

27. Муруват ёрдами бўйича худудий ва тармоқ комиссиялари томонидан ҳисботлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплексига ва Статистика давлат департаментига:


Режа-жадвал — ҳар йили 25 январдан кечикмай;

Ишларнинг бажарилиши тўғрисида ҳисбот ва Ишларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисбототга тушунтириш хати — ҳисбот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечикмай тақдим этилади.

28. Статистика давлат департаменти ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иктиносидий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментига устувор муруват лойиҳаларининг амалга оширилиши тўғрисида якуний ахборот тақдим этади.

Муруват ёрдами юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш тартиби ҳамда муруват лойиҳалари мониторинги тўғрисидаги Низомга
1-ИЛОВА

Муруват ёрдами юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ҳамда улардан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш СХЕМАСИ



1. Донор ташкилотлар томонидан муруват юкларининг олувчиларга берилishi
2. Олувчи томонидан товарлар муруват ёрдамига тегиши юк эканлиги тўғрисидаги хужжатлар тайёрланиси ва уларнинг комиссиялар орқали Ижтимоий комплексга юборилиши (2a)
3. Ижтимоий комплекс томонидан хужжатларнинг кўриб чиқилиши ва божх она органларига юкларнинг муруват ёрдамига тегиши эканлиги тўғрисида хулоса берилishi
4. Божхонада расмийлаштириши ва муруват ёрдами юклари сифатини назорат қилиш
5. Божхона органлари томонидан муруват юклари тўғрисида ҳар чоракда «Макроиқтисодиётстат»нинг Статистика давлат департаменти ва Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплексига маълумотлар берилishi
6. Муруват ёрдами юкларини аниқ тарзда тақсимлаш лойиҳасини тайёрлаш ва асослаш
7. Муруват ёрдами юкларининг аниқ тарзда тақсимланишини протокол билан тасдиқлаш
8. Муруват юкларини истемолчиларга етказиш бериш ва уларни ҳисобга олиш
9. Режали текширишлар ўтказиш, муруват юкларини божхонада расмийлаштириш, ҳисобга олиш, тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг бажарилишини акс эттирган ҳолда далолатномалар тушиб
10. Муруват юкларининг олениши ва улардан фойдаланиши тўғрисида ҳар чоракда ҳисобот тақдим этиш
11. Муруват юкларидан мақсадли фойдаланишини ва аниқ йўналтирилган тарзда тақсимланишини, шу жумладан ҳам истемолчилар бўйича (11a), ҳам донор ташкилотлар томонидан (11b) текшириш

Мурувват ёрдами юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби ҳамда мурувват лойиҳалари мониторинги тўғрисидаги Низомга
2-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплексига тақдим этиш учун мурувват дастурларини амалга ошириш мақсадида мурувват ёрдами бўйича худудий комиссия
буортманомасининг
НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

1. Сарварақ:
 - а) дастурнинг номи;
 - б) худудий комиссия тўғрисидаги маълумотлар (*манзили, телефон, факс*);
 - в) дастурнинг бошланиши ва тугалланиши саналари;
 - г) лойиҳанинг жуғрофияси (*у қаерда амалга оширилади*);
 - д) дастурнинг қиймати.
2. Муаммонинг қўйилиши.
3. Дастурнинг мақсади ва вазифалари.
4. Дастурни амалга ошириш усуслари ва босқичлари.
5. Дастур мониторинги усуслари.
6. Кутилаётган натижалар ва уларни баҳолаш мезонлари.
7. Дастурнинг бюджети.

Мурувват ёрдами юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби хамда мурувват лойихалари мониторинги тўғрисидаги Низомга
З-ИЛОВА

Мурувват ёрдами бўйича тармоқ комиссиясининг мурувват ёрдами олишга буюртманомасининг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

- 1) Тармоқ комиссиясининг номи**
- 2) Мурувват ёрдами сифатида олинаётган товарларнинг сўралаётган гурухи номи**

(Масалан: *дори-дармонлар ва тиббиёт анжомлари*)

- 3) Неча марта мурожаат қилинган**

(Буюртманома биринчи буюртманома ёки тақрорий эканлиги кўрсатилсин. Агар буюртманома тақрорий бўлса, қайси халқаро ташкилотга қачон мурожаат қилинганини кўрсатилсин)


- 4) Талаб этиладиган мурувват юклари сўрови учун шакл**

| МУРУВВАТ ЁРДАМИНИ ОЛУВЧИЛАР | МУРУВВАТ ЁРДАМИНИНГ ТАЛАБ ЭТИЛГАН ЮКЛАРИ РЎЙХАТИ | КОМПЛЕКТЛАР СОНИ |
|--|--|------------------|
| Масалан: Ўзбекистон Республикаси Соглиқни сақлаш вазирлиги | Ногиронлар арабачалари | 10 |

- 5) Етказиб беришнинг кутилаётган муддатлари**

- 6) Мурувват ёрдамидан фойдаланиш мониторинги усуллари**

(Масалан: бевосита олувчилардан сўраб чиқиш, тақсимлаш жойига борувчи комиссиялар, олувчи ташкилотлар ҳисоботлари, бошқалар)



Мурувват ёрдами юкларини қабул қилиш, хисобга олиш, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби ҳамда мурувват лойиҳалари мониторинги тўғрисидаги Низомга
4-ИЛОВА

Муруват ёрдами юкларини қабул килиш, хисобга олиш, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби ҳамда муруват лойиҳалари мониторинги тўғрисидаги Низомга
5-ИЛОВА

Муруват лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш режа-жадвали

Лойиҳанинг номи _____ Бажарувчи_____ Лойиҳанинг режалаштирилаётган муддатлари: 200__ й.

| Т/р | Лойиҳа қисмининг номи | Натура кўрсаткичини ўлчаш бирлиги | Бажарилиш ҳажми \ молиялаштириш | | | | | | | | | | | |
|-----|-----------------------|-----------------------------------|---------------------------------|--------------------------------------|------------------------------|----|-----|----|-------------------|-----------------------------|----|---------|----|--|
| | | | Лойиҳа бўйича ҳаммаси | Шу жумладан йиллар бўйича | | | | | | | | Прогноз | | |
| | | | | Режалаштирилаётган йил бошлангунгача | Режалаштирилаётган бир йилга | | | | Бир йилга ҳаммаси | Шу жумладан чораклар бўйича | | | | |
| | | | | | I | II | III | IV | | I | II | III | IV | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | | |
| | | | | | | | | | | | | | | |

Изоҳ. Лойиҳа қисмлари бўйича тадбирлар (ишлар турлари)ни бажариш ва молиялаштиришнинг режадаги ҳажмлари жадвалга каср шаклида киритилади, тегишли ўлчов бирликларидағи натурадаги кўрсаткич сурат, маҳраж эса — валютадаги молиялаштириш суммаси. Натурадаги кўрсаткич деганда физик миқдорлар (узунлиги, ҳажми, массаси, миқдори ва хоказолар), ишлаб чиқилган ҳужжатлар (loyixa-sмета ҳужжатлари, хисбот, хулоса ва хоказолар) ёки амалга оширилган ишлар (маслаҳат, семинар, хизмат сафари, ҳарид қилиш, назорат, ҳужжатни тасдиқлаш ва хоказолар) назарда тутилади.

Мурувват ёрдами юкларини қабул қилиш, хисобга олиш, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби ҳамда мурувват лойихалари мониторинги тўғрисидаги Низомга
6-ИЛОВА

Мурувват ёрдами бўйича ишларнинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот

Лойиханинг номи _____ Бажарувчи_____ Лойиханинг режалаштирилаётган муддатлари: 200____ й.

| Т/р | Лойиха қисмининг номи | Натура ифодасида иш турлари | Натурадаги кўрсаткичнинг ўлчов бирлиги | Натура ифодасида ишларни бажариш ҳажми | | | | Ҳисбот чорагидаги ўзлаштириш ҳажми | |
|-----|-----------------------|-----------------------------|--|--|--------|-----------------------------|--------|------------------------------------|--------|
| | | | | Йил бошидан бошлаб | | Шу жумладан ҳисбот чорагида | | Сўм ёки АҚШ доллари | |
| | | | | режа | амалда | режа | амалда | режа | амалда |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| | | | | | | | | | |

Изоҳ: Натурадаги кўрсаткич деганда физик микдорлар (узунлиги, ҳажми, массаси, микдори ва хоказолар), ишлаб чиқилган хужжатлар (loyixa-smeta хужжатлари, ҳисбот, хулоса ва хоказолар) ёки амалга оширилган ишлар (маслаҳат, семинар, хизмат сафари, харид қилиш, назорат, хужжатни тасдиқлаш ва хоказолар) назарда тутилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2002 йил 26 июлдаги 268-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Техник кўмаклашиш маблағлари мониторинги ва улардан
мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби
тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар^{*} ҳамда хорижий хукумат ташкилотларининг^{**} техник кўмаклашиш маблағлари мониторинги ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартибини белгилайди.

2. Халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ва хорижий хукумат ташкилотларининг техник кўмаги:

товарлар (асбоб-ускуналар) харид қилиш учун;

маслаҳат хизматлари кўрсатиш учун;

халқаро молиявий-иктисодий институтлар, хорижий хукумат ташкилотлари ва хорижий инвесторларнинг қарзлари ва инвестициялари жалб қилинган холда амалга ошириладиган лойиҳаларнинг техник-иктисодий асосланишини ишлаб чиқиш учун;

таълим берувчи дастурлар (тренинг)ни амалга ошириш учун грантлар шаклида берилади.

3. Халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий хукумат ташкилотларининг техник кўмаклашиш маблағлари мониторинги ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

II. Техник кўмаклашиш лойиҳаларини амалга ошириш мониторинги

4. Техник кўмакни олувчи вазирлик ёки идора (ижро этувчи агентлик) халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий хукумат ташкилотлари томонидан техник кўмаклашиш гранти маъқулланиши тўғрисида ижобий қарор қабул қилгандан кейин икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментига Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекси раҳбари томонидан тасдиқланган:

- а) техник кўмаклашиш лойиҳасини амалга ошириш тадбирлари режасини;
- б) грант маблағларини ўзлаштириш жадвалини тақдим этади.

5. Ўзбекистон Республикаси вазирларлари, идоралари ва минтақалари бўйича ахборотларни туркумлаш ва техник кўмаклашишдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти ҳар чоракда техник кўмакни олувчилар тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирли-

^{*} Халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар — Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки гурухи, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Европа хамжамияти комиссияси, БМТ тараққиёт дастури, ОПЕК жамғармаси ва бошқалар.

^{**}) Хорижий хукумат ташкилотлари — Америка халқаро ривожланиш агентлиги (ЮСАИД), Германия техник кўмаклашиш жамияти, Кувайт иқтисодий ривожланиш жамғармаси ва бошқалар, шунингдек хукумат ташкилотига тенглаштирилган ташкилотлар (АКСЕЛС ва бошқалар).

гининг Статистика давлат департаментига белгиланган шакл бўйича тақдим этади (2-илова).

6. Олинган маълумотлар асосида Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлигининг Статистика давлат департаменти тегишли ижро этувчи агентликларга давлат статистика ҳисоботининг шаклини юборади.

7. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлигининг Статистика давлат департаменти олинган ва ўзлаштирилган грант маблағлари тўғрисида ижро этувчи агентликлар томонидан тақдим этилган маълумотлар ҳар чоракда йифма статистика ҳисоботи шаклида умумлаштирилишини, шунингдек тўлов баланси статистикасига киритилишини таъминлади.

8. Вазирлар Махкамасининг Ташки иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти ҳар чоракда маблағларнинг ҳалқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотларининг тегишли ҳисоб рақамларидағи ҳаракати тўғрисидаги ахборотни олади, ушбу ахборот умумлаштирилади ва маълумотларнинг электрон базасига киритилади ҳамда техник кўмаклашиш лойиҳаларининг амалга оширилиши доимий мониторингини ва ҳалқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотларининг грантлари ҳисобига амалга оширилётган лойиҳалар бўйича маълумотларнинг электрон базасида сақланишини таъминлайди.

9. Грант маблағлари ҳисобига товарлар ва хизматлар сотиб олиш ҳалқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотлари томонидан белгиланган тартиботларга мувофиқ тендер асосида амалга оширилади ва улар учун ҳақ, қоидага кўра, қароргоҳларда очилган тегишли ҳисоб рақамларидан тўғридан-тўғри тўланади.

10. Ҳалқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотларининг техник кўмаклашиш лойиҳалари доирасида Ўзбекистон Республикаси олиб келинаётган товарлар (хизматлар)ни божхонада расмийлаштириш улар билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида тузилган битимларга ва амалдаги қонун хужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

Ижро этувчи агентликлар Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментига ҳалқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотларининг техник кўмаклашиш лойиҳаларини амалга ошириш доирасида олиб келинаётган товарлар (хизматлар) тушганлиги тўғрисида ахборот беради.

Товарлар (хизматлар)нинг ҳалқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотларининг техник кўмагига тегишлилиги тўғрисидаги хуноса, зарурат бўлганда, ижро этувчи агентликларга Ташки иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан донор ташкилотлар ўртасидаги тегишли битимларни ўрганиб чиқиш асосида берилади.

11. Техник кўмаклашиш лойиҳалари тугаллангандан кейин ижро этувчи агентликлар бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг Ташки иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментига лойиҳанинг эришилган мақсадларини, иқтисодий самарасини, балансга қабул қилинганилиги ва етказиб берилган моддий-техника воситаларидан фойдаланиш ўйналишларини акс эттирувчи техник кўмаклашиш лойиҳаси амалга оширилганлиги тўғрисидаги ижро этувчи агентликнинг раҳбари томонидан тасдиқланган якунловчи ҳисоботни, шунингдек лойиҳа натижаларини қўллашга доир чора-тадбирлар режасини тақдим этади.

III. Грант маблағларидан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш

12. Грант маблағларини ўз вактида ўзлаштириш ва улардан мақсадли фойдаланиш учун масъулият ижро этувчи агентлик раҳбарлари зиммасига юкланади.

13. Техник кўмаклашиш лойихалари амалга оширилишини кўриб чиқиш ижро этувчи агентликлар ва манфаатдор томонларнинг вакиллари таклиф этилган ҳолда ҳар чоракда камида бир марта Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти томонидан амалга оширилади.

14. Грант маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланишини назорат қилиши кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти техник кўмаклашиш лойихалари амалга оширилиши бўйича ижро этувчи агентликлар фаолиятини белгиланган тартибда режали текшириш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Марказий банк ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар вакилларидан иборат ишчи гурухлар ташкил этишга ҳақлидир.

15. Бюджет (хукумат) ташкилотлари томонидан грант маблағларидан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш, шунингдек юкори ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси билан биргаликда амалга оширилади.

Техник кўмак, шу жумладан пул шаклида кўмак олган бюджет ташкилотлари белгиланган тартибда солик органларига грант маблағларидан фойдаланишини акс эттирувчи ҳисботни, бюджет маблағларидан фойдаланиши тўғрисидаги ҳисбот сингари ҳисбот тақдим этадилар.

16. Лойихани амалга ошириш жадвалидан оркада қолиш, грант маблағларидан самарасиз ва бошқа мақсадда фойдаланиш ҳоллари аниқланган тақдирда Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекси раҳбарига уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар киритади.

Техник кўмаклашиш маблағларидан бошқа мақсадларда фойдаланишида айбдор бўлган шахслар конунда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Техник кўмаклашиш маблағлари мониторинги ва улардан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги Низомга
1-ИЛОВА

Халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотларининг техник кўмаклашиш маблағлари мониторинги ва улардан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш схемаси



Техник кўмаклашиш маблаглари мониторинги
ва улардан мақсадли фойдаланишини назо-
рат қилиш тартиби тўғрисидаги Низомга
2-ИЛОВА

**Халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат
ташкилотларининг техник кўмагини олувчилар тўғрисидаги маълумотлар
200__ йил __ чораги учун**

| <i>Маблагларни олувчи</i> | <i>Грантнинг тартиб рақами ёки коди</i> | <i>Грантнинг номи</i> | <i>Халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотларининг номи</i> | <i>Грант маблагларидан фойдаланниш бошланган сана</i> | <i>Грант суммаси (минг АҚШ доллари)</i> |
|---------------------------|---|-----------------------|--|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар
департаменти бошлиғи _____
200__ й. _____

Вазирлар Маҳкамасининг
2002 йил 26 июндан 268-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида муруват ёрдами дастурларини мувофиқлаштириш тўғрисида» 1995 йил 25 апрелдаги 146-сон қарори.
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 сентябрдаги 359-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчаларнинг 1-банди.
3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 6 апрелдаги 162-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айrim қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчаларнинг 10-банди.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 8 майдаги 207-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2001 й., 5-сон, 26-модда) билан тасдиқланган «Хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналарини, консуллик мусассасаларини, халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналарини ҳамда улар ходимларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги хузурида аккредитация қилиш тартиби»га 1-илова 1-бандининг «в» кичик банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

**113 Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва
улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш ҳамда тартибга солиш, тарих ва маданият ёдгорликларини ҳар томонлама ўрганиш, оммалаштириш ва тарғиб қилиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича 1-иловага* мувофиқ Идоралараро комиссия тузилсин.

Кўйидагилар Идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:
маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини амалга ошириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви, жойлардаги давлат ҳокимияти

* 1-илова берилмайди.

органлари, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларнинг маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлашириш;

маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш жараёнида пайдо бўладиган масалаларни кўриб чиқиш, уларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

юридик ва жисмоний шахсларга маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчилик бузилишларнинг олдини олиш бўйича фаолиятида кўмаклашиш.

2. Қўйидагилар:

Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалаларини мувофиқлашириш бўйича Идоралараро комиссия тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси маданий мерос объектлари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом 3-иловага мувофиқ;

Маданий мерос объектларининг тарихий-маданий экспертизаси тўғрисидаги Низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Маданий ёдгорликлар илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасини Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасига айлантириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги:

бир хафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси тузилмасини ва бош бошқарма тўғрисидаги Низомни тасдиқласин;

манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда ҳозирги вақтда давлат муҳофазасида бўлган маданий мерос объектларини 2003 йил 1 апрелгача хатловдан ўтказсин ҳамда уларни белгиланган тартибда Маданий мерос объектлари давлат кадастрига киритсан;

Маданият ишлари вазирлигининг Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси ихтиёрига бериладиган ташкилотлар ва объектлар рўйхати юзасидан 2003 йил 1 майгача таклифлар киритсан;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Бадиий академия билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси худудида археологик қазиш ва қидириш ишларини амалга ошириш тўғрисидаги йўриқномани бир ой муддатда ишлаб чиқсан ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари X.С. Кароматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 26 июль,
268-сон

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.

Вазирлар Махкамасининг
2002 йил 29 июлдаги 269-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан
фойдаланиш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича
Идораларо комиссия тўғрисида
НИЗОМ**

1. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича Идораларо комиссия (кейинги ўринларда «Комиссия» деб аталади) Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви, жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларнинг маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида тузилади.

2. Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва конунларига, бошқа конунчилик хужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қиласди:

3. Қўйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари хисобланади:

Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларнинг маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини амалга ошириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш жараёнида пайдо бўладиган масалаларни кўриб чиқиши, уларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш;

юридик ва жисмоний шахсларга маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги конунчилик бузилишларининг олдини олиш бўйича фаолиятида кўмаклашиш.

4. Комиссия ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ:

маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун хужжатларини самарали амалга оширишга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, уларнинг бажарилишини ташкил этади;

жойлардаги давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органлари томонидан маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун хужжатларининг бажарилиши амалиётини кўриб чиқади;

маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича қонун хужжатларини қўллашга доир тавсиялар ишлаб чиқади;

маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги қонун хужжатларининг энг муҳим лойиҳаларини кўриб чиқади;

маданий мерос объектларининг муҳофаза қилиниши, сақланиши ва улардан фойдаланилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш тартиби бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

5. Комиссия қўйидаги ҳуқуqlарга эга:

Комиссияга юкланган вазифаларни амалга ошириш учун ишли гурухлар тузиш ва уларда ишлаш учун белгиланган тартибда тегишли мутахассисларни жалб этиш;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари вакилларининг маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалалари бўйича ахборотларини эшитиш;

давлат бошқаруви ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларига зарур маълумотномалар ва бошқа материалларни, қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги конунчиликни ҳамда Комиссия қарорларини бажаришни ташкил қилиш масалалари бўйича топшириклар бериш.

6. Комиссия вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари вакилларидан, шунингдек, келишув бўйича, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида ўз фаолиятини амалга оширувчи нодавлат нотижорат ташкилотлар вакилларидан шакллантирилади.

Комиссия томонидан тузилган ишчи гурухларда ишлаш учун белгиланган тартибда мутахассислар, олимлар, экспертлар ҳамда ташкилотлар ва муассасаларнинг, шу жумладан фаолияти соҳасига маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалалари кирадиган хорижий ташкилотлар ва муассасаларнинг вакиллари жалб этилиши мумкин.

Комиссиянинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси томонидан тасдиқланади ва раис, унинг ўринbosари, котиб ҳамда ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширадиган Комиссия аъзоларидан иборат бўлади.

7. Комиссия раиси:

Комиссия фаолиятига раҳбарлик қиласди;

Комиссия мажлисларини чақиради ва уларнинг кун тартибини шакллантиради;

Комиссия томонидан тузилган ишчи гурухларнинг фаолиятини назорат қиласди;

Комиссия томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини назорат қиласди, Комиссия аъзоларининг қарорлар ва вазифаларни бажариш бўйича ишларини муовфикаштиради;

ўзига Комиссия томонидан юклangan бошқа функцияларни бажаради.

8. Комиссия ишларини Комиссия котиби юритади.

9. Комиссия ўз ишларини ўзи тасдиқлаган иш тартиби асосида амалга оширади. Мажлислар заруритага кўра, лекин ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади ва протоколлар билан расмийлаштирилади.

10. Комиссиянинг кўриб чиқиши учун киритиладиган масалалар ва унинг қарорлари лойиҳалари Комиссия аъзолари томонидан иш режасига мувофиқ тайёрланади.

11. Комиссия ҳар чоракда ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасига ахборот беради.

Вазирлар Мажкамасининг
2002 йил 29 июлдаги 269-сон қарорига
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси маданий мерос объектлари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Маданий мерос объектлари давлат кадастри «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида», «Давлат кадастрлари тўғриси-

да»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ва бошқа норматив-хукукий ҳужжатларга, шунингдек мазкур Низомга мувофиқ маданий мерос объектларининг давлат муҳофазасини ҳамда улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида юритилади.

2. Маданий мерос объектлари давлат кадастри (кейинги ўринларда «Давлат кадастри» деб аталади) ўзида маданий мерос объектларининг жуғрофий жойлашиши, хукукий мақоми, миқдорий, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисидаги янгилаб туриладиган маълумотлар ва ҳужжатлар тизимини ифодалайди.

3. Қўйидагилар Давлат кадастрини юритишнинг асосий принциплари хисобланади:

республиканинг бутун ҳудудида маданий мероснинг барча объектларини Давлат кадастри билан қамраб олиш;

кадастр ахборотини шакллантиришнинг ягона методологияси;

давлат кадастри юритишни марказлаштирилган тарзда бошқариш;

Давлат кадастрлари ягона тизими талабларини таъминлаш;

кадастр ахборотининг ишончлилиги ҳамда уни тўлдириш ва янгилаб боришнинг узлуксизлиги;

кадастр ахборотидан фойдаланиш мумкинлиги.

4. Давлат кадастрини юритиш маданий мерос объектларига мулкчилик хукукини ва бошқа ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиши, маданий мерос объектларини миқдорий ва сифат тавсифларини хисобга олишини, маданий мерос объектларини сифат ва қиймат жиҳатидан баҳолашни, кадастр ахборотини туркумлаштириш, сақлаш ва янгилашни, маданий мерос объектларининг ҳолати тўғрисидаги хисоботларни тузиши, Давлат кадастрлари ягона тизимига киритиш учун тегишли ахборотни тақдим этиши, фойдаланувчиларни кадастр ахбороти билан таъминлашни ўз ичига олади.

5. Ўзида тарихий, илмий, бадиий ёки ўзга маданий қимматга эга бўлган ёдгорликлар, ансамбллар ва дикқатга сазовор жойлар Давлат кадастри объектлари хисобланади.

6. Давлат кадастрини Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасининг кадастр хизмати, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш минтақавий давлат инспекциялари (кейинги ўринларда «минтақавий инспекциялар» деб аталади) томонидан юритилади.

7. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасининг кадастр хизмати:

маданий мерос объектлари давлат кадастрининг юритилишини мувофиқлаштиради;

норматив-методик ҳужжатларни ишлаб чиқади;

кадастр юритилишини назорат қиласди;

минтақавий инспекцияларнинг кадастр хисоботларини туркумлаштиради;

кадастр хизматларини моддий-техник таъминлади;

маданий мерос объектларининг давлат кадастри автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқади;

манбаатдор юридик ва жисмоний шахслар томонидан кадастр материалларидан фойдаланиш тартиби ва шартларини белгилайди;

Давлат кадастрлари ягона тизимига зарур кадастр ахборотини беради.

8. Минтақавий инспекциялар:

маданий мерос объектлари, мулкчилик объектлари ва субъектлари, маданий мерос объектларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва улар ижараси, улардан мақсад-

ли фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар ҳисобини ҳамда улардан фойдаланиш режимини юритади;

маданий мерос объектлари тўғрисидаги микдор ва сифат ахборотини тўплайди;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахри бўйича маданий мерос объектлари рўйхатини тузади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахри маданий мерос объектлари бўйича кадастр дафтарини юритади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахри маданий мерос объектларининг жойлашиши схемасини тузади.

9. Давлат кадастрини юритиш ишлари давлат бюджети ҳисобига маблағ билан таъминланади.

II. Давлат кадастрининг мазмуни

10. Давлат кадастрида республика худудидаги барча маданий мерос объектлари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлади.

Ҳисобга олиш ва баҳолаш ахбороти биргаликда маданий мерос объектлари бўйича кадастр ахборотини ташкил этади, ушбу ахборот алифболи-рақамли (матнли, жадваллар, ведомостлар) ва чизиқли (режалар, схемалар, кесимлар ва ўлчамлар) шаклларда қофозда, магнит ва бошқа манбаларда тақдим этилади.

11. Давлат кадастри:

маданий мерос объектларининг жуғрофий жойлашиши ҳақидаги маълумотларни;

маданий мерос объектларининг микдорий ва сифат тавсифлари ҳисобини;

микдорий ва қиймат жихатидан ҳисобини ўз ичига олади.

12. Маданий мерос объектларининг ҳисобга олиш ахбороти:

кадастр тартиб рақамини;

номини;

жойлашган жойини;

типологик тегишилигини;

сана қўйишни;

мулкдор, эгаси, фойдаланувчи ёки ижарага олувчи — юридик ёки жисмоний шахснинг номини ва унинг манзилини;

маданий мерос обьектининг идоравий мансублигини;

маданий мерос обьектининг мақсадли вазифасини;

тариҳий маълумотларни;

маданий мерос обьектининг дастлабки қиёфасини ўзгартирган қайта қуриш ва ўйқотишларни;

таъмиrlаш ишларини (умумий тавсиф, қиймати, вақти, муаллиф, хужжатлар сақланадиган жой);

бинога, иншоотга, ер участкасига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотларни;

муҳофаза зоналари ва қурилишни тартибга солиш зоналари чегараларини (тасдиқловчи хужжатга асосланган холдаги режа, қисқача тавсиф) ўз ичига олади.

Кўйидагилар:

археология ёдгорликлари учун: сана қўйиш, қидириш ва қазиш ишлари ким томонидан ва қачон бажарилганлиги, топилган материалларнинг сақланиш жойи;

тариҳ ёдгорликлари учун: пайдо бўлиш тарихи, обьект ёдгорлик аҳамиятига эга эканлиги билан боғлиқ воқеалар ва шахсларнинг қисқача тавсифи;

архитектура ва монументал санъат ёдгорликлари учун: муаллиф, курувчи, бу-

юртмачи, қурилган санаси тарихий маълумотлар хисобланади.

13. Маданий мерос объекти тавсифи:

номи;

типологик мансублиги;

манзили;

замонавий фойдаланилиши;

тарихий маълумотлар;

ёдгорликнинг дастлабки қиёфасини ўзгартирган қайта куришлар ва йўқотишлар;

илмий-тарихий ва бадиий аҳамияти;

асосий библиография, архив манбалари, иконографик материал;

техник ҳолати;

муҳофаза қилиш тизими;

муҳофаза қилиш тоифаси;

муҳофаза қилишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги хужжатнинг санаси ва тартиб рақами;

муҳофаза зонаси чегаралари;

баланс бўйича мансублиги;

муҳофаза хужжатининг санаси ва тартиб рақами (мажбуриятлар);

археология ёдгорлиги учун: санаси, энг муҳим топилмалар рўйхати ва тавсифи;

тарих ёдгорликлари учун: санаси, мармар лавҳада матнлар мавжудлиги ва ўрнатилган вақти;

архитектура ёдгорликлари учун: санаси, режалаштирилиши, композицион-макон тузилмаси ва конструкцияларнинг ўзига хослиги, фасад ва интеръерлар безаги хусусияти, ранг-тасвир, хайкалтарошлик, амалий санъат мавжудлиги, қурилиш материали, асосий ўлчамлари;

монументал санъат ёдгорликлари учун: муаллифи ва санаси, композицион ечи-ми хусусиятлари, матнлар, материал, техника, ҳажми;

маданий мерос обьектининг ижтимоий, илмий-тарихий ва бадиий аҳамиятига умумий баҳо беришдан иборат бўлади.

14. Маданий мероснинг кўчмас обьектларига хукуқлар ер участкалари (шу жумладан муҳофаза зоналари)нинг натурада белгиланган ва мустаҳкамланган чегаралари мавжуд бўлган тақдирда бинолар ва иншоотларнинг давлат ер кадастри ва давлат кадастрини олиб борувчи органларда кадастр рўйхатидан ўтказилади. Ер участкаси чегараларининг бурилиш нукталари қозикли белгилари йўқолган тақдирда улар ўша жойда ер участкаси чегараларининг бурилиш нукталари ўрнатилган ҳолда дала геодезия ўлчамлари ўтказилган ёки тегишли кўламдаги фотография маълумотидан фойдаланилган ҳолда ер участкалари ажратиш материаллари бўйича тикланади.

15. Маданий мерос обьектлари сони уларнинг амалдаги ҳолати ва фойдаланилишига кўра хисобга олинади.

16. Маданий мерос обьектларининг сифатга доир тавсифини хисобга олиш:

санा қўйишни;

техник ҳолатни;

архитектура безагини;

бадиий нақшларни ўз ичига олади.

17. Техник ҳолат кўйидаги таснифлаш бўйича баҳоланади: яхши, ўрта, ёмон, авария ҳолатида.

18. Муҳофаза тизими муҳофаза тоифасини (レスpubлика аҳамиятига, маҳаллий аҳамиятга эгалиги), муҳофаза учун қабул қилиниши тўғрисидаги хужжатнинг санаси ва тартиб рақамини ўз ичига олади.

19. Маданий мерос объектларини баҳолаш, шу жумладан қийматини баҳолаш улардан самарали фойдаланишни белгилаш, етказилган зарап микдорини аниқлаш, суурита, ижара тұлови ставкалари, уларни таъмирлаш, консервация қилиш харажатларини қоплаш, жорий тузатишни олиб бориш учун ўтказилади.

20. Маданий мерос объектлари қийматини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги томонидан тасдиқланган методика бўйича амалга оширилади.

21. Давлат кадастри кадастр ахборотининг узлуксиз янгиланишини таъминловчи асосий ва жорий турларни ўз ичига олади.

Давлат кадастрининг асосий турини юритишида маданий мерос объектлари барча турларининг бирламчи хисоби амалга оширилади, уларнинг сони кўрсатилади ва натурада ер участкалари чегаралари белгиланади (ер участкаларини рўйхатдан ўтказиш маълумотлари асосида).

Жорий турда кадастрга кадастрнинг асосий тури ўтказилгандан кейин маданий мерос обьекти бўйича рўй берган барча ўзгартиришлар киритилади.

22. Маданий мерос обьектига кадастр хужжатлари:

маданий мерос обьектига мулкчилик ҳуқуқини ва бошқа ҳуқуқларни тасдиқловчи хужжатлардан;

маданий мерос обьекти кадастр ишидан;

кадастр харитасидан (режадан);

кадастр дафтаридан;

маданий мерос обьектининг холати тўғрисидаги ҳисоботдан иборат бўлади.

Маданий мерос обьекти кадастр иши кадастр обьектига ҳуқуқларни шакллантириш, хисобга олиш ва кейинчалик давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган паспорт, хужжатлар, материаллар ва кадастр суратга олиш хужжатлари, техник хатлаш ва паспортлаштириш, махсус текшириш ва қидиувлар, кадастр обьектининг сифат ва қиймат баҳосидан иборат бўлади.

Маданий мерос обьектининг кадастр харитаси (режаси) кадастр объектларининг жойлашган жойини, уларнинг чегараларини, муҳофаза зоналарини, баҳолаш, микдорий ва сифат тавсифларини акс эттирувчи чизикли хужжат ҳисобланади ҳамда қофозда, магнит ва бошқа манбаларда тузилади.

Кадастр дафтари маданий мероснинг кадастр обьектларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишнинг асосий хужжати ҳисобланади ҳамда унда уларнинг жуғрофий жойлашиши, ҳуқуқий мақоми, микдорий ва сифат тавсифлари ва баҳолаш ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлади.

III. Давлат кадастрини юритиш тартиби

23. Давлат кадастри мазкур Низомга иловага мувофиқ схемаларга биноан амалга оширилади.

24. Тарихий-маданий қимматга эга бўлган обьектларни Давлат кадастрига киритиш:

давлат мулки бўлган маданий мерос обьектларига нисбатан — жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг;

юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки бўлган маданий мерос обьектларига нисбатан — юридик ва жисмоний шахсларнинг таклифлари асосида амалга оширилади.

Тарихий-маданий қимматга эга бўлган обьектларни Давлат кадастрига киритиш тўғрисидаги таклифларни тегишли равишда обьектларнинг эгалари ёхуд жойлардаги

давлат ҳокимияти органлари билан келишган ҳолда минтақавий инспекциялар ҳам киритишга ҳақлидир.

25. Жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг обьектларни Давлат кадастрига киритиш тўғрисидаги таклифлари минтақавий инспекцияларга тақдим этилади. Минтақавий инспекциялар обьектни олдиндан ўрганади, зарур кадастр хужжатлари тузади.

26. Минтақавий инспекциялар томонидан тайёрланган материаллар Маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасига юборилади.

27. Маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси обьектларни Давлат кадастрига киритиш бўйича тақдим этилган материалларни тарихий-маданий экспертизадан ўтказиш учун Маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси Илмий-методик кенгашининг кўриб чиқиши учун киритади.

28. Маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси тарихий-маданий экспертиза хулосаси асосида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигига маданий мероснинг аникланган обьектини Давлат кадастрига киритиш тўғрисида таклиф киритади.

29. Маданий мерос обьектини Давлат кадастрига киритиш Маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирининг тегишли бўйруғи асосида амалга оширилади.

30. Давлат кадастрига киритилган маданий мероснинг ҳар бир обьектига буйруқ қабул қилинган пайтдан бошлаб ўн кун мобайнода маданий мерос обьекти паспорти расмийлаштирилади. Паспортда мақсади маданий мерос мазкур обьектини муҳофаза қилиш хисобланадиган маълумотлар ва унинг асосий маълумотлари бўлади.

Маданий мерос обьекти паспортининг шакли «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги томонидан белгиланади.

31. Маданий мерос обьектининг паспорти расмийлаштирилган кунидан бошлаб беш кундан кечикмай тегишли минтақавий инспекцияга юборилади.

32. Минтақавий инспекциялар беш кун мобайнода тегишли равишда маданий мерос обьекти эгасини (юридик ёки жисмоний шахсни) ёхуд жойлардаги давлат ҳокимияти органини маданий мерос обьектининг Давлат кадастрига киритилганини тўғрисида хабардор қиласи ва уларга маданий мерос обьекти паспортини беради.

Давлат мулки бўлган маданий мерос обьекти паспорти тегишли мулкнинг баланси эгасида сақланади.

33. Маданий мерос обьектларини Давлат кадастридан чиқариш минтақавий инспекциялар, обьектларнинг эгалари (юридик ва жисмоний шахслар), жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг таклифлари бўйича амалга оширилади.

Жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг маданий мерос обьектини Давлат кадастридан чиқариш тўғрисидаги таклифлари тегишли минтақавий инспекцияга юборилади.

34. Минтақавий инспекциялар тушган таклифларни ўрганадилар ва уларни ўз таклифлари билан биргаликда Маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасига тақдим этадилар.

35. Маданий мерос обьектини Давлат кадастридан чиқариш тўғрисидаги қарор мазкур Низомнинг 27-30-бандларида назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

36. Маданият ишлари вазирининг маданий мерос обьектини Давлат кадастридан

чиқариш тўғрисидаги бўйруғи асосида Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси Давлат кадастрида ёзувни қайд этади. Буйруқнинг нусхаси тегишли минтақавий инспекцияга юборилади.

37. Минтақавий инспекциялар маданий мерос обьектини Давлат кадастридан чиқариш тўғрисидаги буйруқнинг нусхасини олгач обьект эгасини ёки жойлардаги давлат ҳокимияти органини ёзма равишда хабардор қиласди. Маданий мерос обьекти паспорти унинг Давлат кадастридан чиқарилганлиги тўғрисидаги билдиришнома олингандан кейин ўн кун муддатда минтақавий инспекцияга қайтарилиши керак.

IV. Якуний қоидалар

38. Минтақавий инспекциялар, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари Давлат кадастрига киритилган маданий мерос обьектларининг ҳолати устидан назоратни таъминлайдилар.

39. Давлат кадастрига киритилган маданий мерос обьектига нисбатан кадастр ахбороти ўзгарган тақдирда маданий мерос обьектларининг эгалари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари бир ой муддатда бу хақда тегишли минтақавий инспекцияга маълум қилишлари шарт.

40. Минтақавий инспекциялар жойлардаги давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда беш йилда бир марта маданий мерос обьектларининг ҳолатини текширадилар ва қайд этадилар. Текшириш натижалари бўйича, зарурат бўлса, Маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасига маданий мероснинг мазкур обьектларини саклаш бўйича жорий ва истиқбол дастурларини ишлаб чиқишига доир таклифлар киритадилар.


41. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳар йили Давлат кадастри ахборотини ҳисбот юилидан кейинги йилнинг 1 марта гача Давлат кадастрларининг ягона тизимига тақдим этади. Кадастр маълумотларини Давлат кадастрларининг ягона тизимига тақдим этиш шакли Маданият ишлари вазирлиги томонидан тасдиқланади ва «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси билан келишилади.

42. Давлат кадастри ахбороти давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига бепул, бошқа юридик ва жисмоний шахсларга эса белгиланган тартибда ҳақ тўлаш эвазига берилади.

43. Давлат кадастрини юритишини ташкил этиш бўйича йўриқнома «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси билан келишган ҳолда, белгиланган тартибда Маданият ишлари вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси маданий мерос объектлари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги Низомга ИЛОВА

Маданий мерос объектлари давлат кадастрини юритиш (1-схема: объектларни Давлат кадастрига киритиш)



**Маданий мерос объектлари давлат кадастрини юритиш
1-схемасига изоҳлар
(объектларни Давлат кадастрига киритиш)**

1. Минтақавий давлат инспекциялари жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахслар таклифлари асосида ёхуд улар билан келишган ҳолда маданий мерос объектларини Давлат кадастрига киритиш тўғрисида таклифлар тайёрлайдилар, маданий мерос объектлари тўғрисидаги зарур маълумотларни тўплайдилар.

2. Маданий мерос объектларини Давлат кадастрига киритиш тўғрисидаги таклифлар зарур материаллар билан биргаликда Маданият ишлари вазирлигининг Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасига юборилади.

3. Минтақавий давлат инспекциялари томонидан тақдим этилган материаллар тарихий-маданий экспертизадан ўтказиш учун Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасининг Илмий-методик кенгашига кўриб чиқиш учун киритилади.

4. Тарихий-маданий экспертиза натижаларига кўра Илмий-методик кенгаши Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасига объективни Давлат кадастрига киритиш тўғрисида тегишли хуласа тақдим этади.

5. Тарихий-маданий экспертиза хуласаси асосида Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси Маданият ишлари вазирлигига объективни Давлат кадастрига киритиш тўғрисида тақлиф киритади.

6. Маданият ишлари вазирлиги объективни Давлат кадастрига киритиш тўғрисида тегишли буйруқ чиқаради.

7. Маданият ишлари вазирлигининг буйруғи асосида Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси объективни Давлат кадастрига киритади.

8. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси объективни Давлат кадастрига киритгандан сўнг «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармасига Ўзбекистон Республикаси давлат кадастрлари ягона тизимида киритиш учун тегишли ахборот беради.

9. Буйруқ чиқарилган вақтдан бошлаб ўн кун мобайнода Давлат кадастрига киритилган маданий мерос объектига Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси томонидан маданий мерос паспорти расмийлаштирилади. Маданий мерос паспорти паспорт расмийлаштирилгандан кейин беш кундан кечикитирмай тегишли минтақавий инспекцияга юборилади.

10. Минтақавий инспекциялар беш кун мобайнода тегишли равишда маданий мерос объекти эгасини (юридик ёки жисмоний шахсни) ёхуд жойлардаги давлат ҳокимияти органини маданий мерос объекти Давлат кадастрига киритилганлиги тўғрисида хабардор қиласи ва уларга маданий мерос объекти паспортини беради.

11. Минтақавий давлат инспекциялари ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари Давлат кадастрига киритилган маданий мерос объектиning ҳолати назорат қилинишини таъминлайдилар.

Маданий мерос объектлари давлат кадастрини юритиш
 (2-схема: объектларни Давлат кадастридан чиқариш)



**Маданий мерос объектлари давлат кадастрини юритиш
2-схемасига изоҳлар
(объектларни Давлат кадастридан чиқариш)**

1. Жисмоний жиҳатдан йўқолиб кетган ёки маданий мерос обьекти сифатида қадрини йўқотган маданий мерос обьектларига нисбатан минтақавий давлат инспекциялари жойлардаги давлат хокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахслар таклифлари асосида ёхуд тегишли обьектларнинг холатини ўрганиш натижаларига кўра уларни Давлат кадастридан чиқариш тўғрисида таклифлар тайёрлайдилар.

2. Маданий мерос обьектларини Давлат кадастридан чиқариш тўғрисидаги таклифлар зарур материаллар билан биргаликда Маданият ишлари вазирлигининг Маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасига юборилади.

3. Минтақавий давлат инспекциялари томонидан тақдим этилган материаллар тарихий-маданий экспертизадан ўtkазиш учун Маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасининг Илмий-методик кенгашига кўриб чиқиш учун киритилади.

4. Тарихий-маданий экспертиза натижаларига кўра Илмий-методик кенгаши Маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасига обьектни Давлат кадастридан чиқаришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида тегишли хулоса тақдим этади.

5. Тарихий-маданий экспертиза хулосаси асосида Маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси Маданият ишлари вазирлигига обьектни Давлат кадастридан чиқариш тўғрисида таклиф киритади.

6. Маданият ишлари вазирлиги обьектни Давлат кадастридан чиқариш тўғрисида тегишли бўйруқ чиқаради.

7. Маданият ишлари вазирлигининг бўйруғи асосида Маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси Давлат кадастрига тегишли ёзувни киритади.

8. Маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси Давлат кадастрига тегишли ёзувни киритгандан сўнг «Ўзгеодезкадстр» бош бошқармасига Ўзбекистон Республикаси давлат кадастрлари ягона тизимиға ўзгартириш киритиш учун тегишли ахборот беради.

9. Маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси маданий мерос паспортини бекор қиласди ва тегишли минтақавий инспекцияга маданий мерос обьекти Давлат кадастридан чиқарилганлиги тўғрисида ахборот юборади.

10. Минтақавий давлат инспекциялари маданий мерос обьекти эгасини (юридик ёки жисмоний шахсни) ёхуд жойлардаги давлат хокимияти органини маданий мерос обьекти Давлат кадастридан чиқарилганлиги тўғрисида хабардор қиласди. Маданий мерос обьекти паспорти Маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасига юбориш учун минтақавий давлат инспекциясига қайтариб берилади.

Вазирлар Махкамасининг
2002 йил 29 июлдаги 269-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Маданий мерос объектларининг тарихий-маданий
экспертизаси тўғрисида
НИЗОМ**

1. Мазкур Низом Маданий мерос объектларининг тарихий-маданий экспертизасини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Тарихий-маданий экспертиза:

маданий мерос объектларининг Маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритилишини асослаш;

маданий мерос объектларининг тоифасини аниқлаш;

маданий мерос объектлари тоифасининг ўзгартирилишини асослаш;

маданий мерос объектини Маданий мерос объектларининг давлат кадастридан чиқариш;

маданий мерос объектлари муҳофаза зонаси лойиҳаларининг шаҳарсозлик ва лойиҳа ҳужжатларига, шунингдек амалга ошириш мўлжалланаётган ер тузиш, қурилиш, мелиорация, хўжалик ишларининг ва бошқа ишларнинг маданий мерос объектларини сақлаш талабларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

3. Қўйидагилар тарихий-маданий экспертиза объектлари ҳисобланади:

хўжалик мақсадларида ўзлаштириладиган ер участкалари, агар уларда маданий мерос объектлари мавжуд бўлса;

маданий мерос объектларининг Маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритилишини асословчи материаллар;

маданий мерос объектларининг Маданий мерос объектларининг давлат кадастридан чиқарилишини асословчи материаллар;

маданий мерос объектлари тоифасининг ўзгартирилишини асословчи материаллар; шаҳарсозлик ва лойиҳа ҳужжатлари, «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган ҳолларда;

маданий мерос объектларига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ер қазиш, қурилиш, мелиорация, хўжалик ишларининг ва бошқа ишларнинг амалга оширилишини асословчи ҳужжатлар.

4. Тарихий-маданий экспертиза Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси хузуридаги Илмий-методик кенгаш томонидан мазкур Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Илмий-методик кенгаш таркиби (кейинги ўринларда «Кенгаш» деб аталади) давлат органлари, илмий институтлар ва муассасалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, маданий мерос объектларини ўрганиш, сақлаш ва улардан замонавий фойдаланиш соҳасидаги айрим олимлар ва мутахассислар киритилади.

Кенгаш раис, раис ўринбосарлари, Кенгаш аъзолари ва котибидан иборат бўлади. Кенгашнинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги томонидан тасдиқланади.

5. Кенгаш мажлислари заруриятга кўра, лекин ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади. Кенгашнинг Иш тартиби Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги томонидан тасдиқланади.

6. Кенгаш таркибида тегишли йўналишлар бўйича секциялар ташкил этилади.

7. Кенгаш фаолиятининг моддий-техника таъминоти Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

8. Тарихий-маданий экспертиза хулосасини олиш учун Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси тегишли маданий мерос обьекти бўйича материалларни Кенгашга кўриб чиқиши учун киритади. Материаллар Кенгаш котиби томонидан қабул қилинади.

Тарихий-маданий экспертизадан ўтказиш учун тақдим этиладиган материаллар таркиби ва мазмуни Маданият ишлари вазирлиги томонидан белгиланади.

9. Кенгаш котиби олинган материалларни Кенгаш раисига тақдим этади, раис уларни Кенгашнинг тегишли йўналишлар бўйича секцияларига юборади.

10. Кенгаш секцияларида тарихий-маданий экспертиза мақсадларини хисобга олган ҳолда, маданий мерос обьекти бўйича тақдим этилган материаллар ҳар томонлама ўрганиб чиқилади.

Зарурият бўлганда маданий мерос обьектининг тарихий-маданий экспертизаси обьект жойлашган жойда ўтказилади.

Тарихий-маданий экспертизани ўтказиш методикаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан келишган ҳолда Маданият ишлари вазирлиги томонидан белгиланади.

12. Тарихий-маданий экспертизани ўтказишида Кенгаш мустакил эксперталарни жалб қилишга ҳақлидир. Бунинг учун Кенгаш секциялари тегишли асослашлар билан Кенгаш раисига мурожаат қиласи, раис ушбу масалани кўриб чиқиши учун Маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасига киритади.

Кенгаш раисининг тақдимномаси асосида Маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси белгиланган тартибда эксперталар билан шартномалар тузади.

13. Тарихий-маданий экспертиза натижаларига кўра Кенгаш секциялари эксперт хулосаси, шунингдек тарихий-маданий экспертиза хулосаси лойиҳасини тайёрлайди. Эксперт хулосаси ва тарихий-маданий экспертиза хулосаси лойиҳаси барча материаллар илова қилинган ҳолда кўриб чиқиши учун Кенгаш раисига тақдим этилади, раис тарихий-маданий экспертиза натижаларини тасдиқлаш учун Кенгаш мажлисини чакиради.

14. Кенгаш мажлиси унда Кенгаш барча аъзоларининг учдан икки кисми қатнашганда ваколатли хисобланади. Кенгаш қарори оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Овозлар teng бўлиб қолганда раиснинг овози ҳал қилувчи овоз хисобланади.

Кенгаш қарорига рози бўлмаган Кенгаш аъзолари ўзининг алоҳида фикрини баён қилишга ҳақлидирлар.

15. Кенгаш мажлисида тарихий-маданий экспертиза хулосасининг лойиҳаси тасдиқланади.

16. Кенгаш мажлиси ўтказилишини ташкил этиш, мажлис протоколини расмийлаштириш Кенгаш котиби томонидан амалга оширилади.

17. Кенгаш қарори мажлис протоколи билан расмийлаштирилади. Кенгаш протоколи раислик қилувчи ва масъул котиб томонидан имзоланади.

Мажлис протоколи, тарихий-маданий экспертиза хулосаси, шунингдек Кенгаш аъзоларининг алоҳида фикри Кенгаш котиби томонидан Маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасига юборилади.


18. Тарихий-маданий экспертизани ўтказиш муддати материалларнинг йўналишига, муракаблигига ва хажмига қараб ўттиз кундан ошмаслиги керак.

19. Маданий мерос объектлари тарихий-маданий экспертизаси ўтказилганлиги учун маҳсус ўйфим тўланади. Маҳсус ўйфимдан тушган маблағлар Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси ҳисоб ракамида жамланади ва улардан қонун хужжатларида белгиланган тартибда фойдаланилади.

Маданий мерос объектлари тарихий-маданий экспертизаси ўтказилганлиги учун маҳсус ўйфим миқдори ва уни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Маданият ишлари вазирлиги томонидан белгиланади.

Маданий мерос объектларининг тарихий-
маданий экспертизаси тұғрисидаги Низомга
ИЛОВА

Тарихий-маданий экспертизани ўтказиш схемаси



Тарихий-маданий экспертизани ўтказиш схемасига изоҳлар

1. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси Илмий-методик кенгаш котибига тарихий-маданий экспертиза хуносасини олиш учун тақдим этилган материалларни киритади.

2. Материаллар кўриб чиқиши ишларини ташкил этиш учун котиб томонидан Кенгаш раисига тақдим этилади.

3. Раис материалларни эксперт хуносаси олиш учун Кенгашнинг йўналишлар бўйича секцияларига кўриб чиқиши учун беради. Секцияларда тақдим этилган материалларни хар томонлама кўриб чиқиши ишлари ташкил этилади. Эксперт ишланмалари асосида секциялар экспертизат хуносаси, шунингдек тарихий-маданий экспертиза хуносаси лойиҳасини тайёрлайди. Эксперт хуносаси ва тарихий-маданий экспертиза хуносаси лойиҳаси барча материаллар илова қилинган ҳолда Кенгаш раисига кўриб чиқиши учун тақдим этилади, раис материалларнинг тайёрлигини хисобга олган ҳолда уларни Илмий-методик кенгашга киритиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

За. Чет экспертларни жалб этиш зарурияти пайдо бўлган тақдирда секциялар раҳбарлари тегишли асослар билан Кенгаш котибига мурожаат қиладилар, котиб ушбу масалани Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси билан келишади.

3б. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси жалб қилинаётган экспертлар билан шартномалар тузади.

4. Кенгаш раиси тарихий-маданий экспертиза хуносаси лойиҳасини тасдиқлаш учун Илмий-методик кенгаш мажлисини чақиради.

5. Кенгаш котиби мажлис ўтказилишини ташкил этади, мажлис протоколини, шунингдек Кенгаш қарорини расмийлаштиради.

6. Илмий-методик кенгаш қарори ва тарихий-маданий экспертиза хуносаси Кенгаш котиби томонидан Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасига юборилади.

Вазирлар Мажкамасининг
2002 йил 29 июлдаги 269-сон қарорига
5-ИЛОВА

I. Ҳукуматнинг ўз кучини йўқотган қарорлари РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республикада моддий маданият ёдгорликларини сақлаш ва қайта тиклашни янада яхшилаш чора-тадбирлари ҳамда ёдгорликлар ва монументларнинг лойиҳаларини тузиш ва уларни куриш тартиби тўғрисида» 1968 йил 30 августдаги 415-сон қарори (ЎзССР ҚТ, 1968 й., 6-сон, 52-модда)нинг 1, 6-бандлари, 7-банднинг «а» ва «в» кичик бандлари.

2. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Архитектура ва археология ёдгорликларини сақлаш ва қайта тиклаш, хисобга олиш ва консервация қилишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1973 йил 9 августдаги 339-сон қарорининг 1,7, 9 ва 11-бандлари.

3. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика моддий маданият ёдгорликларини сақлаш ва қайта тиклашни бош-

қаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1979 йил 24 февралдаги 149-сон қарори 1-бандининг учинчи хат боши, 4-банди, 11-бандининг «г» кичик банди, 12-15 ва 17-бандлари, шунингдек мазкур қарорга 1-илова.

4. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССР Маданият вазирлигининг Маданият ва тасвирий санъат ёдгорликларини сақлаш ва қайта тиклаш, улардан фойдаланиш, янги ёдгорликлар ва монументларни куриш, таъмирлаш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 1979 йил 30 августдаги 612-сон қарори (ЎзССР ҚТ, 1979 й., 8-сон, 33-модда).

5. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «СССР Министрлар Советининг «Тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 1982 йил 16 сентябрдаги 865-сон қарори» юзасидан 1982 йил 1 октябрдаги 663-сон қарори (ЎзССР ҚТ, 1982 й., 10-сон, 36-модда).

6. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамиятининг Устави тўғрисида» 1986 йил 19 декабрдаги 598-сон қарори (ЎзССР ҚТ, 1986 й., 12-сон, 50-модда).

II. Ҳукуматнинг айrim қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг тузилмаси ва фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 1992 йил 27 апрелдаги 207-сон қарорида:

4-банднинг бешинчи хат боши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«маданий мерос объектларининг давлат муҳофазасини таъминлаш»;

қарорга 2-илованинг биринчи хат боши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Маданий мерос объектларини муҳофaza қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси».

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 30 июндаги 305-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тўғрисидаги Низомда:

а) 3-банднинг бешинчи хат боши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«маданий мерос объектларининг давлат муҳофазасини таъминлаш»;

б) 5-бандда:

ўнинчи хат бошидан «тарих, маънавий маданият ёдгорликларини хисобга олиш, муҳофaza қилиш, таъмирлаш, фойдаланиш ва уларни тарғиб қилиш ишига» сўзлари чиқариб ташлансин;

ўнинчи хат бошидан кейин қўйидаги хат бошлари қўшилсин:

«юридик ва жисмоний шахслар томонидан маданий мерос объектларини муҳофaza қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя қилиниши устидан давлат назоратини амалга оширади;

маданий мерос объектларини муҳофaza қилиш, сақлаш, оммалаштириш ва улардан фойдаланиш давлат дастурларини ишлаб чиқишида қатнашади;

маданий мерос объектларини тадқиқ этиш, консервация қилиш, реставрация қилиш ва замонавий фойдаланиш учун мослаштириш давлат дастурларини амалга оширади;

маданий мерос объектлари аниқланишини, хисобга олинишини, муҳофaza қилинишини, оммалаштирилишини ва улардан фойдаланилишини таъминлади;

маданий мерос объектларини муҳофaza қилиш ва улардан фойдаланиш масалалари бўйича давлат бошқаруви органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.